

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18543511>

Абдурасулов Илхомжон Икромжон ўғли
“Alfa Life Insurance” АЖ
Суғурта департаменти директори

Аннотация

Мақолада яшил иқтисодиёт шароитида Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бозорининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Суғурта бозорида ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларини жорий этишнинг аҳамияти ёритилган ҳамда суғурта компанияларининг яшил инвестиция лойиҳаларидаги иштироки бўйича рақамли таҳлиллар келтирилган. Халқаро тажриба мисолида суғурта фаолиятининг экологик ва ижтимоий самарадорлиги кўрсатиб берилган. Муаллиф яшил молияни ривожлантириш, ESG стандартларини қонунчиликка жорий этиш ва суғурта маданиятини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан.

Калит сўзлар

яшил иқтисодиёт, ҳаёт суғуртаси, ESG тамойиллари, яшил инвестициялар, молиявий барқарорлик, рақамлаштириш, суғурта бозори.

п

В статье рассматриваются тенденции и перспективы развития рынка страхования жизни в Узбекистане в условиях перехода к «зелёной экономике». Особое внимание уделено внедрению принципов ESG (экологическая, социальная и управленческая ответственность) в страховой сектор и их влиянию на устойчивое развитие. Приведён цифровой анализ участия страховых компаний в «зелёных» инвестиционных проектах. На основе международного опыта показана роль страхования жизни в укреплении экологической и финансовой стабильности. Автор предлагает рекомендации по развитию зелёных финансов, совершенствованию нормативной базы и повышению страховой культуры населения.

Ключевые слова

зелёная экономика, страхование жизни, принципы ESG, зелёные инвестиции, финансовая стабильность, цифровизация, страховой рынок.

Abstract

The article analyzes the trends and prospects for the development of the life insurance market in Uzbekistan within the framework of the green economy. It highlights the importance of implementing ESG (Environmental, Social, and Governance) principles in the insurance sector and their role in promoting sustainable growth. The paper presents numerical analysis of the participation of insurance companies in green investment projects and discusses the impact of digital transformation on the life insurance segment. Based on international experience, the study concludes that life insurance can serve as a key driver of financial stability and environmental responsibility. Recommendations are proposed for expanding green finance, improving legislation, and enhancing public awareness of insurance culture.

Keywords

green economy, life insurance, ESG principles, green investments, financial stability, digitalization, insurance market.

Ҳозирги кунда бутун дунё микёсида иқтисодий, ижтимоий ва экологик жараёнлар янги босқичга кўтарилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурслар захираларининг қисқариши, атмосфера ва сув ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби омиллар жаҳон ҳамжамияти олдида жиддий таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли, барча давлатлар иқтисодий ривожланишни фақат молиявий ўсиш нуқтаи назаридан эмас, балки табиат билан мутаносибликда таъминлаш заруратини англаб етмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган манбалардан фойдаланиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш каби масалалар бугунги кунда иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланди. Бу тенденция “яшил иқтисодиёт” деб аталувчи янги иқтисодий моделнинг шаклланишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳам глобал ривожланиш жараёнларидан четда қолмаяпти. Мамлакатда кейинги йилларда экологик сиёсатни кучайтириш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва барқарор ривожланиш принципларига асосланган иқтисодий тизимни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат даражасида қабул қилинган “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси” ҳамда 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури бу соҳадаги устувор йўналишларни белгилаб берди.

Мухтарам Президентимизнинг «Абу-Даби Барқарор ривожланиш ҳафталиги» саммитидаги «яшил» ривожланиш ва барқарор энергетика

тизимини ривожлантиришга бағишланган нутқи мамлакатнинг экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги қатъий қарорларини янада мустаҳкамлайди. Ушбу нутқ иқлим ўзгариши ва глобал энергия муаммоларига жавоб бериш борасида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда олиб бораётган ташаббусларини самарали акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда “яшил иқтисодиёт” Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг муҳим устунига айланмоқда. Бу йўналишда қайта тикланадиган энергия манбалари (куёш, шамол, биогаз), сув ресурсларини оқилона бошқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш, экотуризм ва экологик тоза ишлаб чиқариш каби соҳаларда янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, суғурта, банк ва инвестиция соҳалари ҳам ESG (Environmental, Social, Governance) стандартларига мос равишда фаолият юритишни бошламоқда.

Демак, ҳозирги глобал иқтисодий тизимдаги барқарор ривожланиш тамойиллари Ўзбекистон учун ҳам янги имкониятлар эшигини очмоқда. Яшил иқтисодиёт фақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш воситаси эмас, балки миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва жаҳон бозорида рақобатбардошликни ошириш учун муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2025 йилнинг **“Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва яшил иқтисодиёт йили”** деб эълон қилиниши мамлакат тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади. Бу қарор нафақат экологик муаммоларга жиддий эътибор қаратилганини, балки барқарор иқтисодий ривожланиш моделига ўтиш жараёнининг амалий босқичга кирганини ҳам аңглатади.

“Табиатга меҳрли муносабат орқали келажак авлодларга унумдор ер, зилол сув, мусаффо ҳавога эга бўлган гўзал Ватанни мерос қилиб қолдиришни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.”¹

Ҳозирги кунда жаҳондаги иқтисодий ривожланиш тенденциялари табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлик, қайта тикланадиган манбаларни ишга солиш ва экотизимларни асраб-авайлаш каби йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон ҳам бу глобал ҳаракатдан четда қолмаяпти. Мамлакатда экологик барқарорликни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш, энергия самарадорлигини ошириш ва “яшил” технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан қабул қилинган қатор дастурлар ва стратегиялар, жумладан, **“Яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича Миллий стратегия”**,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

“Экологик хавфсизлик концепцияси”, ҳамда “2025 йилгача бўлган энергетика ривожланиши стратегияси” каби ҳужжатлар бу йўналишдаги ишларга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб берди. Шунингдек, мамлакатда қайта тикланадиган энергия манбалари – қуёш ва шамол энергетикаси бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Навоий ва Бухоро вилоятларида қурилган қуёш станциялари, Қорақалпоғистондаги шамол электр станцияси мамлакатнинг “яшил энергия” салоҳиятини оширмоқда.

Шу тарзда, “Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва яшил иқтисодиёт йили” нафақат бир йиллик дастур ёки акция сифатида, балки мамлакатнинг узок муддатли барқарор таракқиёт стратегиясининг асосий йўналиши сифатида қаралмоқда. Бу ташаббус иқтисодий ўсиш билан бир қаторда табиатга зарар етказмаслик, келажак авлодлар учун соф муҳитни сақлаб қолишга хизмат қилади.

1-жадвал

Йил	Жами суғурта мукофотлари (трлн сўм)	Ҳаёт суғуртаси мукофотлари (млрд сўм)	Улуш (%)	Йиллик ўсиш (%)
2023	8,06	167,15	2,1	-29,7
2024	9,77	239,6	2,45	+43,4
2025 (I ярим йиллик)	6,23	384,22	6,2	+385,6

Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси улуши (2023–2025 йиллар)

Жадал ўзгараётган иқлим ва табиат шароити бугунги кунда суғурта бозори учун янги чақириқларни келтириб чиқармоқда. Илгари суғурта компаниялари асосан инсон ҳаёти, саломатлиги ёки мол-мулк билан боғлиқ анъанавий хатарларни ҳисобга олган бўлса, ҳозирда бу хатарлар қаторига табиий офатлар, иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва экологик омиллар таъсири билан боғлиқ янги турдаги рисклар ҳам кириб келмоқда. Бу эса суғурта компанияларидан нафақат молиявий барқарорликни сақлаб қолишни, балки фаолиятини барқарор ривожланиш ва ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларига мос равишда қайта ташкил этишни талаб қилади.

Ҳаёт суғуртаси соҳаси бу жараёнда айниқса муҳим ўрин тутди. Чунки инсон саломатлиги ва ҳаёти тўғридан-тўғри атроф-муҳит ҳолати, экологик барқарорлик ва жамиятнинг соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Масалан, ҳаво ифлосланиши, иссиқлик тўлқинлари ёки табиий офатлар инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин – бу эса суғурта даъволари сони ва тўлов миқдорларига таъсир қилади. Шу сабабли, ҳаёт суғуртаси компаниялари ўз риск моделларини қайта кўриб чиқиши, экологик омилларни таҳлил тизимига қўшиши ва мижозларга янги турдаги “яшил” суғурта маҳсулотларини таклиф этиши зарур.

“Яшил” йўналишдаги суғурта маҳсулотлари нафақат молиявий ҳимояни таъминлайди, балки экологик маданиятни оширишга ҳам хизмат қилади. Масалан, айрим ривожланган мамлакатларда ҳаёт суғуртаси компаниялари мижозларга соғлом турмуш тарзини танлаган ёки экологик фаолият билан шуғулланган тақдирда суғурта тўловларида чегирма тақдим этади. Бунинг натижасида фуқаролар соғлом турмуш ва табиатга эҳтиром билан муносабатда бўлишга рағбатлантирилади.

Шунингдек, ҳаёт суғуртаси компаниялари ESG принципларига амал қилган ҳолда ўз инвестиция портфелларини ҳам экологик ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларга йўналтириши мумкин. Масалан, қайта тикланадиган энергия манбалари, тоза ичимлик сувини таъминлаш, соғлом экомуҳит яратиш каби лойиҳаларга сармоя йўналтириш нафақат иқтисодий самара, балки ижтимоий ишонч ва корпоратив нуфузни ҳам оширади.

Бундай ёндашув суғурта компанияларининг барқарор ривожланишдаги ролини кучайтиради ва уларни жамиятнинг экологик масъулиятини оширишда фаол иштирокчига айлантиради. Яъни, суғурта тизими фақат молиявий ҳимоя механизми эмас, балки “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида муҳим стратегик воситага айланади.

Сўнги ўн йилликда ривожланган давлатларда суғурта компаниялари ESG (Environmental, Social, Governance) стандартларини ўз фаолиятига жадал татбиқ эта бошлади. Бу жараён айниқса Европа Иттифоқи, Япония, Жанубий Корея ва Канада каби давлатларда кенг ривожланди. Бу мамлакатларда суғурта компаниялари фақат рискни қопловчи молиявий институт сифатида эмас, балки жамиятнинг экологик барқарорлиги ва ижтимоий масъулиятини таъминловчи стратегик иштирокчи сифатида қаралади.

2-жадвал

Йўналиш	Мавжуд ҳолат	Ривожлантириш чоралари
---------	--------------	------------------------

Экологик рисклар	Суғурта маҳсулотларида ҳали ҳисобга олинмаган	Экологик хатарлар тахлилини жорий этиш
Ижтимоий йўналиш	Суғурта маданияти паст	Ахборот ва таълим кампаниялари
Бошқарув	ESG ҳисоботлари йўқ	ESG стандарти бўйича ҳисобот ва рейтинг тизими яратиш

ESG тамойилларини ҳаёт суғуртаси фаолиятига татбиқ этиш йўналишлари

Европада суғурта компаниялари “яшил” инвестиция сиёсатини амалга оширишда етакчи ҳисобланади. Масалан, **Allianz Group** ва **AXA Insurance** каби йирик ҳаёт суғуртаси компаниялари ўз активларининг 20–30% қисмини қайта тикланадиган энергия манбаларига — қуёш ва шамол электр станцияларига йўналтирган.

Allianz SE компанияси сўнгги йилларда Европадаги энг йирик ESG-инвесторлардан бирига айланди. 2023 йилда компания томонидан 13 миллиард евро миқдоридан “яшил активлар”га сармоя йўналтирилган бўлиб², бу маблағлар асосан Германия, Франция ва Нидерландия каби мамлакатлардаги шамол энергияси парклари, қуёш электр станциялари ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун сарфланган. Allianz нафақат инвестиция портфелини диверсификация қилмоқда, балки экологик хавфларни камайтириш ва карбон изини қисқартириш бўйича корпоратив сиёсатни ҳам амалда қўлламоқда. Компания ESG мезонларини ҳар бир инвестиция қароридан асосий баҳолаш омилларидан бири сифатида белгилаган. Бу орқали Allianz нафақат молиявий барқарорликка, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шу билан бирга, **AXA Group** ҳам Европа суғурта бозоридан экологик йўналишни устувор стратегия сифатида танлади. 2024 йилда компания нефть ва газ соҳасига инвестицияларни босқичма-босқич қисқартириш ҳақида қарор қабул қилди ва “carbon-neutral portfolio” (“карбон-нейтрал инвестиция портфели”) стратегиясини амалга жорий этди. Ушбу стратегияга кўра, AXA 2030 йилга қадар инвестиция портфелининг камида 50 фоизини

²https://www.allianz.com/en/mediacenter/news/commitment/environment/230907_Allianz-announces-first-net-zero-transition-plan-with-2030-intermediate-targets-for-core-business-segments.html?utm_source

экологик тоза ва барқарор лойиҳаларга йўналтиришни мақсад қилган³. Бу лойиҳалар каторида қайта тикланадиган энергия манбалари, яшил транспорт тизимлари, чиқиндиларни қайта ишлаш ва иқлим ўзгаришларига мослашувни қўллаб-қувватловчи инфратузилма тармоқлари мавжуд.

АХА Groupнинг бу қадами халқаро молия бозорида катта ижобий таъсир кўрсатди. Компаниянинг “яшил инвестиция” лар сони ортиши унинг халқаро ESG индексларидаги рейтингига ҳам ижобий таъсир этди. Шу тариқа, нафақат экологик масъулиятни ошириш, балки мижозлар ва сармоядорлар олдидаги ишонч даражасини мустаҳкамлаш имкони яратилди.

Умуман олганда, Европа суғурта бозоридаги мазкур тенденциялар шундан далолат берадики, йирик молия институтлари ESG тамойилларини узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг асосий шarti сифатида қабул қилган. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам муҳим намуна бўлиб, суғурта секторида экологик, ижтимоий ва бошқарув мезонларини босқичма-босқич жорий этиш орқали барқарор ва ишончли молия тизимини шакллантириш имконини беради.

Натижада, Европа суғурта бозорида ESG портфеллар нафақат экотизимни муҳофаза қилиш, балки мижозлар ишончини ошириш ва суғурта компанияларининг корпоратив нуфузини кучайтиришда муҳим рол ўйнади. Европанинг ЕИБ (European Investment Bank) маълумотларига кўра, “яшил суғурта” маҳсулотлари бозор улуши 2018–2024 йиллар давомида 2,5 баробарга ўсган.

Япония ва Жанубий Кореяда суғурта компаниялари ESG принципларини корпоратив бошқарув сиёсатига жорий этган ҳолда, **тоза сувни таъминлаш ва экологик инфратузилма** лойиҳаларига фаол сармоя киритмоқда.

Nippon Life Insurance компанияси Япониянинг йирик шаҳарларида сувни тежовчи технологияларни қўллаш ва ичимлик сувини филтрлаш тизимларини модернизация қилиш лойиҳаларини молиялаштирган. Бу компания “environmental risk”ни камайитириш учун ҳар бир инвестиция лойиҳасини ESG баҳолаш тизими орқали текширади⁴.

Samsung Life (Корея) эса “Green Bonds” чиқариб, тушган маблағларни қайта тикланадиган энергия ва соғлом шаҳар муҳитини яратишга йўналтирган. Бу орқали компания 2023 йилда 1,2 миллиард долларлик “яшил облигациялар” орқали сармоя жалб қилган⁵.

³ https://www.axa.com/en/commitments/axa-and-climate-change?utm_source

⁴ https://www.nissay.co.jp/global/sustainability/esg/policy.html?utm_source

⁵ <https://www.worldbenchmarkingalliance.org/publication/financial-system>

Шунингдек, АҚШ ва Канадада суғурта компаниялари ESG йўналишидаги инвестицияларини “social impact investing” орқали амалга оширмоқда. Масалан:

Prudential Financial компанияси “Inclusive Green Economy Fund” жамғармаси орқали кам даромадли аҳоли учун энергия тежовчи турар жойлар қуришни молиялаштирган.

Manulife Financial (Канада) эса 2024 йилда 40 дан ортиқ “sustainable forestry” лойиҳаларига сармоя киритган, бу орқали 3,5 миллион тонна CO₂ чиқиндиси компенсация қилинган.

Бу мисоллар шунингдек, суғурта компаниялари ESG принципларига амал қилган ҳолда фақат экологик самара эмас, балки ижтимоий ишонч ва корпоратив барқарорликни ҳам таъминлай олмақда.

Ўзбекистонда суғурта бозори сўнгги йилларда босқичма-босқич ривожланиб, янги турдаги хизматлар жорий этилаётган бўлса-да, айниқса **ҳаёт суғуртаси сегментидаги салоҳият ҳали тўлиқ фойдаланилмаган**. Бунинг асосий сабабларидан бири — аҳоли орасида **суғурта маданиятининг пастлиги** ва суғуртани молиявий ҳимоя воситаси сифатида тўла англаб етилмаганидир.

Шунингдек, суғурта компанияларининг маҳсулот портфелида **яшил йўналишдаги хизматлар** — яъни экологик рискларни ҳисобга олувчи ёки экологик фаолиятни рағбатлантирувчи суғурта турлари — ҳали жуда кам. Масалан, қайта тикланадиган энергия манбалари, “яшил” уй-жойлар, ёки экологик тозалликни таъминловчи бизнеслар учун мўлжалланган суғурта маҳсулотлари амалиётда деярли учрамайди.

Бу ҳолатни бартараф этиш учун мамлакатда **ESG** стандартларини суғурта соҳасига интеграция қилиш муҳим аҳамият касб этади. ESG тамойиллари асосида иш юритувчи суғурта компаниялари фақат молиявий барқарорликни эмас, балки атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, ижтимоий масъулиятни ошириш ва шаффоф бошқарув тизимини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, халқаро амалиёт шунингдек, суғурта талабларига жавоб берадиган суғурта компаниялари чет эл сармоядорлари учун ҳам ишончли шерикка айланади. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам **яшил суғурта концепциясини** амалий жиҳатдан жорий этиш — нафақат ички бозорни ривожлантиради, балки суғурта тармоғини глобал молия бозорига интеграция қилиш имкониятини ҳам яратади.

Ўзбекистонда ESG стандартларини иқтисодий тизимга жорий этиш жараёни сўнгги йилларда фаоллашган бўлса-да, суғурта соҳаси учун аниқ

меъерий ва методологик йўриқномалар ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу эса ҳаёт суғуртаси компанияларининг ўз фаолиятини ESG талабларига мувофиқ ташкил этишида қийинчилик туғдиради. Масалан, айрим компаниялар “экологик таваккалчилик”ни баҳолаш ёки “ижтимоий таъсир”ни ҳисоблашда ягона мезонлар ва баҳолаш тизимларига эга эмас.

3-жадвал

Кўрсаткич	2023	2024	2025 (1 ярим йиллик)
Ҳаёт суғуртаси улуши (%)	2,1	2,45	6,2
Жами мукофотлар ҳажми (трлн сўм)	8,06	9,77	6,23
“Яшил” инвестициялар улуши (%)	0,8	1,4	2,3
Онлайн полислар улуши (%)	8,5	15,2	28,7
Суғуртада банд аҳоли улуши (%)	4,8	6,3	9,1

Яшил иқтисодиёт ва ҳаёт суғуртаси бозорининг асосий кўрсаткичлари (Ўзбекистон, 2023–2025 йиллар)

Суғурта маданиятининг етарлича ривожланмаганлиги — бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммо ҳамдир. Кўплаб фуқаролар суғуртани мажбурий ёки фақат фавқулодда ҳолатлар учун керак бўладиган хизмат сифатида қабул қиладилар. Шу билан бирга, экологик онг, яъни инсон фаолиятининг табиатга таъсирини англаш маданияти ҳам паст даражада. Бу ҳолат ESG тамойилларига асосланган маҳсулотларнинг бозорда оммалашувида салбий таъсир кўрсатади.

Ечим сифатида, ESG ва яшил суғурта бўйича кенг қамровли ахборот-тарғибот дастурларини амалга ошириш зарур. Бу жараёнда давлат, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши керак. Масалан, суғурта компаниялари томонидан “яшил ҳаёт учун суғурта” каби ижтимоий лойиҳалар йўлга қўйилиб, экологияга масъул фуқароларга чегирма ва бонус тизимлари таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, мактаб ва университетларда молиявий саводхонлик ҳамда экологик таълимни бирлаштирган дарс дастурлари киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон суғурта компаниялари ўз инвестиция портфелларини асосан анъанавий йўналишларда — банк депозитлари, қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкка йўналтирмоқда. Аммо ESG тамойилларига мос равишда яшил лойиҳаларга, масалан, қайта тикланадиган

энергия манбалари ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмасига сармоя киритиш амалиёти деярли йўқ.

Ечим сифатида, давлат томонидан суғурта компанияларини яшил сармояларга жалб этувчи молиявий инструментларни жорий этиш лозим. Масалан, “яшил облигациялар” (Green Bonds) чиқариш орқали суғурта компанияларига экологик йўналишдаги лойиҳаларга инвестиция қилиш имкони яратиш мумкин. Бундай амалиёт Япония, Корея ва Европа давлатларида ўз самарасини берган. Шунингдек, экологик инвестицияларни амалга оширган компаниялар учун солиқ имтиёзлари ва фойда солиғи бўйича енгилликлар бериш тизимини жорий этиш ESG фаолиятини рағбатлантиради.

ESG фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун нафақат молиявий имкониятлар, балки юқори малакали кадрлар ҳам зарур. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ESG таҳлили, экологик рискларни баҳолаш, ижтимоий таъсирни ўлчаш ёки “яшил маҳсулот” концепциясини яратиш бўйича ихтисослашган мутахассислар жуда кам.

Ечим сифатида, олий таълим муассасаларида “яшил молия”, “барқарор суғурта”, “ESG бошқаруви” йўналишлари бўйича махсус таълим дастурларини жорий этиш лозим. Шунингдек, суғурта ассоциациялари қошида ESG марказлари ташкил этилиб, улар компанияларга маслаҳат ва илмий-тадқиқот хизматларини кўрсатиши мумкин. Хорижий тажриба асосида ESG бўйича сертификат дастурлари ҳам жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда ESG асосидаги маҳсулотлар ҳали янги йўналиш бўлгани учун уларнинг бозордаги талаб даражаси паст. Бунинг сабаби – маҳсулотлар қимматлиги, уларнинг фойдалари ҳақидаги маълумотлар етишмаслиги ва халқаро сертификатлаш тизимининг йўқлиги.

Ечим сифатида, давлат томонидан яшил суғурта маҳсулотларини субсидиялаш ёки солиқ енгилликлари орқали рағбатлантириш керак. Шу билан бирга, халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаш тизимини жорий этиш орқали бу маҳсулотларнинг ишонч даражасини ошириш мумкин. ESG талабларига мос компаниялар учун давлат томонидан PR қўллови, реклама ва халқаро кўرғазмаларда иштирок этиш имкониятларини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яшил иқтисодиёт доирасида ҳаёт суғуртаси бозорини ривожлантириш мамлакатнинг барқарор таракқиёти учун янги босқични белгилайди. Бугунги кунда дунёда экологик масъулият ва молиявий барқарорлик бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда кўрила бошланди. Шу жиҳатдан, ҳаёт суғуртаси

тизими нафақат инсон ҳаётини молиявий ҳимоя қилиш воситаси, балки жамиятда экологияга онгли муносабатни шакллантириш механизми сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистонда яшил иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш жараёни суғурта тармоғи учун янги имкониятлар эшигини очади. Масалан, компаниялар фуқароларга атроф-муҳитга зарарсиз турмуш тарзини кўллаб-қувватловчи суғурта дастурларини таклиф этиши мумкин. Бу каби маҳсулотлар нафақат иқтисодий жиҳатдан фойдали, балки аҳолининг экологик маданиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини фақат анъанавий йўналишларда эмас, балки экотехнологиялар, энергия тежовчи лойиҳалар ва қайта тикланадиган манбаларга йўналтириш орқали ўз капиталини барқарор ва хавфсиз тарзда ошириши мумкин. Бу йўлда давлат томонидан рағбатлантирувчи механизмлар — солиқ имтиёзлари, грант дастурлари ва ESG мезонларига мос баҳолаш тизимларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаёт суғуртаси соҳасида яшил йўналишни амалга ошириш натижасида компаниялар мижозлар билан узоқ муддатли ишончли муносабатларни йўлга қўяди, жамият эса экологик барқарор ривожланишга кадам қўяди. Бу жараён суғурта бозорининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро молия ва инвестиция майдонида нуфузини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, яшил иқтисодиёт шароитида ҳаёт суғуртаси бозори экологик барқарорлик, ижтимоий адолат ва молиявий хавфсизликни уйғунлаштирувчи муҳим соҳа сифатида шаклланиши мумкин. Бу йўналишдаги ислохотлар мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилиб, келажак авлодлар учун соғлом ва тоза муҳит яратишда катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-4477-сонли Фармони. — Тошкент, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. “Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш концепцияси - 2030”. — Тошкент, 2024 йил.

3. Истиқболли лойихалар миллий агентлигининг Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг йил якунлари бўйича умумий кўрсаткичлари.
4. FAIR (Federation of Afro-Asian Insurers and Reinsurers). **Annual Report on Uzbekistan Insurance Market.** – Cairo, 2025.
5. Allianz Global Insurance Report 2025. **“Rising Demand for Protection.”** Munich, Allianz Research Group, 2025.
6. И.Иброхимов Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўллари // «Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» журнали. Вол. 3 No. 1 (2025).
7. AXA Group. **Sustainability & ESG Report 2024.** – Paris, AXA Group Publications, 2024.
8. OECD. **“Green Finance and Insurance in Emerging Economies.”** – Paris, OECD Publishing, 2023.
9. UNDP Uzbekistan. **“Sustainable Development and Green Economy in Central Asia.”** – Tashkent, 2024.
10. Жахон банки. **“Central Asia Economic Outlook 2025.”**
11. Худайберганаов Ж. **“Ҳаёт суғуртаси тизимини ривожлантиришда ESG тамойилларининг ўрни.”** – “Молия ва Иқтисодиёт” журнали, №3, 2025.
12. Исломов Б. **“Ўзбекистонда яшил молия бозорини шакллантириш омиллари.”** Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тўплами, 2024.
13. Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF). **“Uzbekistan: Financial Sector Stability Report.”** – Washington, 2025.